АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ТИЛЛЯШАЙХОВА РАЪНО МИРЗАГАЛЕБОВНА

БУЙРАК САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҚАРИ ВА КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ОРГАН САҚЛОВЧИ АМАЛИЁТЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

14.00.14 – Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 616.61-006-089.277.3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тилляшайхова Раъно Мирзагалебовна
Буйрак саратони билан касалланган қари ва кекса ёшдаги беморларда орган сақловчи амалиётларнинг концептуал асослари…… 3

Тилляшайхова Раъно Мирзагалебовна
Концептуальные основы органосохраняющих операций при раке почки у пациентов пожилого и старческого возраста…… 21

Tillyashaykhova Rano Mirzagalebovna
Conceptual bases of organ-preserving operations for kidney cancer in elderly and senile patients …… 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…….. 43

АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ТИЛЛЯШАЙХОВА РАЪНО МИРЗАГАЛЕБОВНА

БУЙРАК САРАТОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҚАРИ ВА КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА ОРГАН САҚЛОВЧИ АМАЛИЁТЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

14.00.14 – Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.PhD/Tib355 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Юсупбеков Аброржон Ахмеджанович** тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Гофур-Охунов Мирза Алиерович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Гайбуллаев Асилбек Асадович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етачки ташкилот:	**Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.Н.Блохин номидаги онкология миллий тиббий тадқиқот маркази» ФДБМ**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (63 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____ куни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, «ҳар йили 14 миллиондан ортиқ янги саратон билан касалланиш ҳолатлари аниқланади ва ундан 8 миллион ўлим қайд этилади»[1]. Барча ўсмалар таркибида буйрак саратони (БС) замонавий онкоурологиянинг энг муҳим муаммоларидан биридир. Статистик маълумотларга кўра, «сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистон Республикасида БС билан касалланиш кўрсаткичлари ортиб бормоқда. 2017 йилда 683 нафар бемор аниқланган, бу эса 2013 йилга нисбатан 28,6% ўсишни ташкил этади (531 нафар бемор), 2018 йил бошида эса диспансер назоратда 2773 нафар бемор бўлган»[2]. Аҳолининг умр кўриш давомийлигига пропорционал равишда касалликнинг кўпайиши ҳисобига, айниқса, қари ва кекса ёшдаги беморларда БС ни даволаш муаммолари тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу далил, ушбу ёш гуруҳларида кўплаб ёндош касалликлар мавжудлиги сабабли кучаяди, бу кўпинча, стандарт даволаш усуллари имкониятларини чеклайди. Беморларнинг ушбу тоифадаги эрта босқичида жарроҳлик даволаш усули ва ҳажмини танлаш мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Кичик (диаметри 4 см гача) ва асимптом буйрак ўсмаларини фарқлаш ҳозирги вақтда T1-2 босқичида аъзони сақлаб қолиш бўйича қари ва кекса ёшдаги беморларга нисбатан кўрсаткичларни кўпайишига олиб келди, бу эса ушбу йўналишда кейинги тадқиқотлар учун имконият яратади[3].

Жаҳон амалиётида бугунги кунда малигнизация, метастаз ва дори-дармонларга қарши сезувчанлик потенциали, Т категория ва ўсма аплазияси даражасини аниқлайдиган, муайян молекуляр генетик хусусиятлари билан ажралиб турадиган, ўсмаларнинг генетик гетерогенлиги ва морфологик хилма-хиллигини ўрганишга йўналтирилган кўплаб рандомизацияланган тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ўсмаларни даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш учун, VHL гени мутациясини, иммунологик назоратдан ўсимта ҳужайраларининг “қочиш” феноменини ўрганиш давом этмоқда. Яна бир муҳим жиҳат шуки, буйрак саратонида PD-L1/PD-L2 ва CTLA-4 экспрессияси ифодаларини ўрганиш давом этмоқда. Кимёвий даволашга юқори даражадаги чидамлиликни ҳисобга олган ҳолда, гормонал дориларга кучсиз жавоб, цитокинлар билан даволаш самарадорлигининг пастлиги, нур терапиясининг самарасизлиги туфайли, жарроҳлик усулида даволаш муҳим аҳамият касб этади, чунки ўз вақтида амалиётларни бажариш ушбу патологияга эга беморларнинг ҳаётини сезиларли даражада узайтириши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида натижаларни яхшилаш ва аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини

---

[1]World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

[2]Тилляшайхов М.Н., Имамов О.А. Стандартизованные показатели онкоэпидемиологической ситуации 2016 г // Евразийский онкологический журнал. Том 6, №2, 2018. –С. 63-72.

[3] Campbell S., Uzzo R.G., Allaf M.E et all / Renal mass and localized renal cancer. AUA guidline .J Urol 2017.198(3):520-9.

кенгайтириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, буйрак саратони билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаш сифати яхшиланган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишидаги ҳаракатлар стратегиясида онкологик беморлар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган вазифалар қўйилган[1]. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, қари ва кекса ёшдаги беморларда аъзоларни сақловчи амалиётларни жорий қилиш орқали буйрак саратонини ташхислаш ва хирургик даволаш натижаларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда онкологик хизматни ривожлантириш ва онкологик ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Н.А. Лопаткиннинг[2] фикрига кўра, «ягона ёки иккала буйрак саратон билан касалланган беморларда амалиёт бажариш имконсиз дейилмаслиги керак». Муаллифнинг таъкидлашича, “ўсма олиб ташлангандан кейинги ҳаёт давомийлиги гормонал, кимётерапия ёки нур терапияси ўтказилган беморларга нисбатан сезиларли даражада юқори. Кўп сонли метастазлар мавжуд бўлмаганда ягона ёки иккала буйрак саратони билан касалланган беморларни оператив даволаш мумкингина эмас, балки мақсадга мувофиқдир. Бундай тактика, анатомик асосланган, чунки одатда 70% ҳолатларда ўсма буйракнинг бирор сегментида жойлашади, буйракнинг вазифаси қониқарли бўлганда ҳаётни сақлаб қолиш учун умумий нефронларнинг 1/7 қисми сақланиб қолиши етарли ҳисобланади. Ю.Г. Аляев[3] таъкидлашича, «нефрэктомиядан сўнг ягона буйрак бўлган инсонларни шартли равишда соғлом, деб ҳисоблаш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стартегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.
[2] Лопаткин Н.А., Крендель Б.М. Опухоли почек. Оперативная урология: Ленинград: Медицина, 2018. С. 98-115.
[3] Ю.Г. Аляев., П.В. Глыбочко. Оперативное лечение больных с опухолью почки.-2010.- Раздел 2.-глава 4.- С. 202.

мумкин». Бундай беморларни кузатишга қаратилган кўплаб тадқиқотлар қолган буйракнинг функционал ва морфологик тўлақон эмаслигини кўрсатди, кўпинча, унда авваламбор яширин ва кейинчалик сурункали буйрак касалликларига ўхшаш аниқ патологик жараёнлар ривожлана бошлайди. Юқори самарали ва минимал инвазив текширув усулларининг (ультратовуш, компьютер ва магнитли резонанс томография текшируви) ривожланиши ва клиник амалиётга жорий этилиши муносабати билан буйрак ўсмаларининг илк босқичларида аниқлаш имконини берди[1].

Турли муаллифларнинг эришган ютуқларига қарамасдан, БС нинг эрта босқичларида амалиёт ҳажмини танлаш масаласи мунозарали бўлиб қолмоқда. Маҳаллий БС да аъзони сақлаб қолувчи амалиётнинг муҳим афзаллиги, буйрак паренхимасининг бир қисмини сақлаб қолиш, бу эса қарама-қарши буйракка зўриқишни камайтириш, вазифаси бузилиши пайдо бўлиши ва жадаллашиши муддатини узайтириш имконини беради, чунки нефрэктомиядан сўнг турли муддатларда деярли барча беморларда кузатилади. Сўнгги йилларда оператив урологияда буйракларнинг структур каслаликларида орган сақлаб қолувчи амалиётлари учун кўрсатмаларни кенгайтириш тенденциясини кўрсатди. Замонавий тадқиқот усуллари туфайли нафақат кўпгина нефрологик касалликларни ташхислаш, балки амалиётлар ҳажмини танлаш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган тактик ва техник масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган амалиёт олди маълумотларини ошириш имконини берган. Аммо эришилган ютуқларга қарамасдан, БС да орган сақловчи амалиётларни бажаришда муайян муаммолар мавжуд. Авваламбор бу амалиёт вақтида ва ундан кейинги асоратларни ривожланишига боғлиқ. Бундан ташқари, орган сақловчи амалиётларни бажариш ва жарроҳлик гуруҳининг техник таъминланганлик кўрсаткичларини аниқлаш қийинлиги сабаб бўлади. Маълумки, БСда ҳар қандай орган сақловчи амалиётлари бир қатор асоратлар ривожланиши билан бирга кечади: қон кетиши, сийдик оқмаси, ўткир буйрак этишмовчилиги, йирингли яллиғланиш жараёнлари, буйрак инфаркти, функцияси бузилиши ва аъзонинг бужмайиши. Адабиётларга кўра асоратлар 6% дан 30% гача ташкил этади[2].

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда катта ёшдаги ва кекса беморларни даволаш учун резекция усуллари бўйича алоҳида натижалар йўқ. Касалланишнинг кўпайиши, ёндош касалликлари бўлган қари ва кекса ёшдаги беморлар сонининг кўпайиши, буйрак ўсмаларининг дастлабки босқичларида аниқланиши ва мос равишда, орган сақловчи амалиётларнинг ривожланиши ушбу соҳада келгусида тадқиқотлар ўтказишга чорлайди.

---

[1] Pierorazio P.M., Hyams E.S., Lin B.M. Laparoscopic radical nephrectomy for large renal masses: critical assessment of perioperative and oncologic outcomes of stage T2a and T2b tumors // Urology.- 2012 Mar.- Vol.79.- N3.- P.570-5.

[2] Гулиев Б.Г. и др. Лапароскопической резекции почки с селективой ишемии. // Журнал онкоурология. Том 18(1), 2018. –С. 70-71.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг “Буйраклар ва меланомани даволаш учун маҳаллий ўсимлик хом амёларидан олинадиган янги ДДЭК, К-26 ўсмага қарши дори воситасини яратиш” мавзусидаги ПЗ-201709069 (2018-2020йй) илмий тадқиқоти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратонини жарроҳлик усулида даволаш натижаларини орган сақловчи амалиётларга тактик ва техник ёндашувларни такомиллаштириш йўли билан яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қари ва кекса ёшдаги беморларда $T_1N_0M_0$ босқичдаги буйрак саратони клиник кўринишлари ва лаборатория-инструментал ташхислаш хусусиятларини ўрганиш;

қари ва кекса ёшдаги беморлар гуруҳида буйрак ўсмасида орган сақлаб қолувчи амалиётлар учун кўрсатмалар ишлаб чиқиш;

ўсма жараёнининг асосий кўрсаткичларига кўра, буйрак саратонини жарроҳлик йўли билан даволашда резекция усулларининг энг яхши турларини аниқлаш;

қари ва кекса ёшдаги беморлар гуруҳида буйрак саратонини жарроҳлик усулида даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини қиёсий баҳолаш;

қари ва кекса ёшдаги беморларда орган сақлаб қолувчи амалиётларнинг иқтисодий жиҳатларини ва уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида ва унинг Тошкент шаҳар филлиалида 2008 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда буйрак хавфли ўсмалари билан касалланган 158 нафар катта ёшдаги ва кекса беморлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб клиник, лаборатория ва инструментал текширув усуллари, амалиётлар ва орган сақловчи амалиётлар самарадорлигининг математик ҳисоблаш натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида клиник, биокимёвий, иммунологик, нурли, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратонини жарроҳлик усулида даволаш даражасини аниқлаш учун лаборатория, инструментал ва морфологик тадқиқот усулларини баҳолаш мезонлари аниқланган;

қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратонининг $T_1N_0M_0$ босқичи орган сақловчи жарроҳлик амалиётига кўрсатмаларини кенгайтиришнинг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган;

янги миллий технологиялар ва буйраклар паренхимасини гибрид ишемиялаш усулларини биргаликда қўллаш орқали буйрак резекцияси усули такомиллаштирилган;

бажарилган амалиётларнинг абластиклик даражасини баҳолашда, текширув самарадорлигини аниқлаш учун буйракнинг резекция соҳасида амалиёт ичида морфометрик текширувини ўтказиш хусусиятлари аниқланган;

қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратонининг $T_1N_0M_0$ босқичини даволашда резекция усулларини жорий этилиши ҳаёт давомийлиги кўрсаткичларини, қайталанишсиз ва метастаз бўлмаган даврларни яхшилаши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қари ва кекса ёшдаги беморларда Т1 босқичли буйрак саратонини ўсма тўқималари кўрсаткичларини, клиник кўринишларини, инструментал текширув натижаларини ва ёндош касалликларини кўп омилли таҳлилини биргаликда ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик усулида даволашда концептуал ёндашув ишлаб чиқилган;

қон йўқотиш ва амалиётдан кейинги асоратларни камайтириш учун "Лаговин" воситаси ва “Гликогель” гемостатик коллаген пластинкасидан фойдаланиб, буйракни резекция қилишнинг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган;

қари ва кекса ёшдаги беморларда орган сақлаб қолувчи амалиётларнинг бажарилиши беморларда тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва иқтисодий самарадорликни оширишга олиб келиши исботланган;

қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратони кечишини оғирлигини баҳолашнинг ўзига хос мезонларини инобатга олган ҳолда, ташхислаш ва даволаш усулларини танлаш учун алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, кенг қўлланиладиган клиник, морфологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган. Барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик ишлов бериш натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу билан аниқланадики, олинган хулоса ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак-хужайрали саратонни эрта босқичда ташхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишда катта ҳисса қўшади. Қари ва кекса ёшдаги беморлар гуруҳида Т1 босқичли буйрак саратонини жарроҳлик усулида даволашда ўсма тўқималарининг кўрсаткичларини, клиник кўринишларини, инструментал тадқиқотлар натижаларини ва ёндош касалликларни инобатга олган ҳолда концептуал ёндашув ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари буйрак-ҳужайрали саратонини ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашнинг клиник ординатор, магистр ва курсантлар учун ўқув дастурининг таркиби ва тузилишини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, буйрак саратонини T1 босқичида жарроҳлик усулида даволашнинг клиник амалиётда ишлаб чиқилган ва қўлланилган, шунингдек, такомиллаштирилган замонавий тактик ва техник жиҳатлари, даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар частотасини камайтириш, шунингдек, меҳнат ва ижтимоий чекловларни камайтириш имконини берган. БС ни маҳаллий технологиялардан фойдаланган ҳолда даволаш амалиёт вақтида ва ундан кейинги асоратларни камайтиришга ёрдам беради ва касалликнинг маҳаллий қайталаниш ва метастазланиши частотасига таьсир этмаслиги исботланган. Қари ва кекса ёшдаги беморларда БС ни ташхислашни яхшилаш ва жарроҳлик усулини танлашни оптималлаштириш имконини берган алгоритм ишлаб чиқилган, бу эса тиббий ва ижтимоий реабилитация жараёнларининг сифати яхшиланиши фонида сезиларли иқтисодий самарага эришишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қари ва кекса ёшдаги беморларда БС ни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалари асосида:

“Буйрак-ҳужайрали саратоннинг маҳаллий лимфа тугунлари ва интралюминар веноз тромбозини ташхислашнинг ноинвазив усуллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 8н-д/221-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратони ташхиси ва даволаш сифатини яхшилаш имконини берган;

буйрак саратони хавфи юқори бўлган гуруҳларни шакллантириш ва индивидуал ривожланиш хавфини баҳолаш учун ташхислаш-даволаш доктринаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 8н-д/221-сон маълумотномаси). Таклиф этилган ташхислаш-даволаш алгоритми ва дастурлар буйрак саратони ривожланишининг дастлабки белгиларини аниқлаш, шунингдек, жарроҳлик усулида даволаш натижаларини яхшилаш имконини берган;

қари ва кекса ёшдаги беморларда буйрак саратонининг $T_1N_{0\text{-}1}M_0$ босқичида орган сақловчи амалиётларнинг концептуал асосларини ўрганиш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Қашқадарё ва Наманган вилоят онкология диспансерлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 октябрдаги 8н-д/221-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Таклиф этилган тадқиқот натижалари асосида буйрак саратони билан қари ва кекса ёшдаги беморларга юқори малакали ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини сезиларли даражада кенгайтириш, шунингдек даволаш сифати яхшилаш, ижобий натижалар частотасини 88,2% дан 96,7% гача ошириш ва касалхонада ётиш давомийлигини 17,5±0,32 дан 10,3±0,21 кунгача қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 3 та ҳалқаро ва 1 та республика конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 11 та мақола, улардан 8 таси республика, 3 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Буйрак саратонини жарроҳлик усулида даволаш муаммосига қарашлар эволюцияси”** деб номланган биринчи бобида, буйрак саратони билан боғлиқ жарроҳлик муаммолари бўйича фикрлар эволюцияси, муаммонинг ҳолати, тарқалиши, ташхиси ва даволанишнинг долзарб масалалари бўйича жаҳонда ва республикамизда юзага келган муаммолар аниқланган, Ўзбекистон худудида кекса ва катта ёшдаги шахсларда БС муаммосини билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган стратегиясини очиш, ривожланишнинг кейинги йўналишини белгилаш имконини берган. Кекса ва катта ёшли беморларда буйрак саратони учун жарроҳлик амалиётларини танлашни ўрганиш зарурлиги аниқланган, бу ҳолат статистик ишончли маҳаллий ва хорижий манбалар билан асосланган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий хусусиятлари, материал ва текширув усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, РИО ва РИАТМ ва унинг Тошкент шаҳар филиали урология бўлимларида стационар 2008 йилдан 2017 йилгача даврда даволанган кекса ва катта ёшли буйрак саратонининг $T_{1a\text{-}в}N_{0\text{-}1}M_0$ босқичи бўлган 158 нафар беморларни текшириш ва даволаш хусусиятлари берилган (1-расм).

Жарроҳлик усулида даволаш барча БС ли 158 беморда ўтказилган. Амалга оширилган жарроҳлик амалиётига кўра беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - 64 (40,5%) та аъзоларни сақлаш бўйича амалиётлар ўтказилган беморлар; 2-гуруҳ 94 (59,5%) та беморда нефрэктомия бажарилган. 158 беморлардан эркаклар 94 (59,5%), аёллар - 64 (40,5%) та бўлган. Таққосланган гуруҳлардаги беморларнинг ўртача ёши 63,3±0,3 ва 67,7±0,7 бўлган (p=0,394, ДИ >95%) (1-жадвал).



1-расм. Тадқиқот ўтказиш лойиҳаси.

1 жадвал

БС ли беморларнинг умумий клиник хусусиятлари, n=158

Кўрсаткич	Барча беморлар n=158	Радикал нефрэктомия n=94	Буйрак резекцияси n=64	P
Ёши	65,5±0,3 лет	63,3+0,9	67,7±0,5	0,394
Жинс: Эркак Аёл	 94 (59,5%) 64 (40,5%)	 59 (62,7%) 35 (37,3%)	 35 (54,7%) 29 (45,3%)	0,161
Зарарланиш томони: Ўнг Чап Билатерал	 70 (44,3%) 85 (53,8%) 3 (1,9%)	 42(44,7%) 52(55,3%)	 28(43,7%) 33(51,5%) 3 (4,7%)	0,302
Ўсма ўлчами, см Ўртача (M ± м) Медиана	 4,3±0,3 4,9	 4,4±0,2 5,2	 3,9±0,4 3,7	0,608
Буйрак функциясига таъсир этувчи касаллик Чарльсон индекси (M±Ŏ)	44 (27,8%) 4±1,2	18 (19,1%) 4±1,3	26 (40,6%) 4,3±1,3	
Буйрак саратони тури: Ёруғ хужайрали Ёруғ бўлмаган хужайрали	 140 (88,7%) 18 (11,3%)	 83 (%) 11 (%)	 57 (%) 7 (%)	0,082
pT категорияси: pT_{1a} $pT_{1в}$	 66 (41,7%) 92 (58,3%)	 39 (41,5%) 55 (58,5%)	 27 (42,2%) 37 (57,8%)	 0,014

Барча ҳолатларда ЯХС мавжудлиги гистологик тасдиқланган (ёруғ хужайрали - 140 (88,7%), ёруғ бўлмаган хужайрали - 18 (11,3%)). Ўсма анаплазиясининг G1 даражаси 24,9%, G2 - 66,9%, G3 - 8,2% ҳолатларда аниқланган. Лимфодекция бажарилган барча беморларда N_0 морфологик тасдиқланган. Турли хажмдаги амалиётлар бажарилган беморлар гуруҳи жинси, ёши ва ТВИ га кўра мос келган. Кузатиш медианаси 27 (6-60) ой бўлган.

Барча беморларда ўтказилган тадқиқот усулларини идентификациялаш ва натижаларни етарли даражада талқин қилиш мақсадида БС беморларга ташҳис қўйиш ва даволаш тактикасини танлаш учун алгоритм ишлаб чиқилган (2-расм).



2 расм. Буйрак саратони T1-даражасида диагностик чора-тадбирлар алгоритми

Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқилган алгоритм арсеналда амалиётгача морфологик текширувларни киритиш билан олиб борилган изланиш услублари кетма-кетлиги билан алоҳида ажралиб туради, хусусан, тенг маълумотга эга текширув усулларининг такрорланиши олди олиниши ва жарроҳлик тактикаси стратегиясини олдиндан аниқлашни бартараф этиш

имконини беради. Шу мақсадда “Буйрак саратонининг юқори хавф гуруҳларини ишлаб чиқиш ва шакллантиришнинг индивидуал хавфини баҳолаш дастури” ишлаб чиқилган, бу эса олинган **№DGU 03980** патентга мувофиқ амалга оширилди. Дастур буйрак саратони ривожланишини эрта аниқлаш учун мўлжалланган. Дастур 8 та омилни, уларнинг ҳар бири ўзига хос баҳолаш мезонларини ўз ичига олади. Олинган баллар миқдори асосида дастур буйрак саратони хавфини ҳисоблаб чиқади.

Диссертациянинг “**Буйрак саратони Т1-даражаси билан ҳасталанган қари ва кекса ёшдаги беморларда инструментал текширув усулларининг клиник жиҳатлари ва самарадорлиги**” деб номланган учинчи бобида, буйрак ўсмаси билан касалланган беморларда ёндош касалликлари нозологик шакллари таҳлили ўтказилган. Кекса ва ёшли ёшдаги беморларда паренопластик синдромининг мавжудлиги кузатилди, бу эса асосан оғриқ синдроми, асаб тизими кучсизлиги ва астенияси билан намоён бўлди (3-расм).



3 расм. Кекса ва катта ёшли беморларда БС клиник кўринишларининг хусусиятлари, n=166

Иммунологик ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, кекса ва катта ёш беморлар гуруҳида буйрак саратони Т1 босқичида кам ифодаланган иммунитет даражасининг пасайиши кузатилади, Гуморал иммунитетнинг босилиши ва хужайравий иммунитетнинг дисбалансига бўлган тенденция аниқланади. Шунингдек, лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларининг информативлиги ўрганилган. Гуруҳларда УТТ усулининг ташхисий информативлигини ўрганиш 2 та тестга асосан амалга оширилди: сезувгирлик ва аниқлик. Шунга кўра, ултратовуш текширувининг асосий ва назорат гуруҳларида сезувгирлиги мос равишда 95,5% ва 95,9% ни ташкил этди. Аксинча, асосий гуруҳдаги усулнинг аниқлиги 88,7% ни ташкил этиб, назорат гуруҳида сезиларли кўрсаткичга эришилди - 94,2%. Кекса ва катта ёшли беморларда МСКТ текширувининг натижаларини интерпретация қилишда, амалиёт ичи кўринишни ва морфологик таҳлил натижаларини

солиштирганда, БС да усулнинг сезгирлиги 79,9% ни, аниқлиги 90,5% ни ташкил этди (p>0,05). Ультрасонография, компьютер текшируви натижалари ва буйрак тизими зарарланишини ҳисобга олиб 137 (86,7%) беморга экскретор урография ўтказилган (2-жадвал).

2 жадвал

Кекса ва катта ёшдаги беморларда БС да экскретор урография натижалари, n=137

Экскретор урография интерпретацияси	Беморлар сони	
	абс.	в %
Патология аниқланмади	95	69,3
Уретерогидронефроз	16	11,7
Контраст секинлашиши	27	19,7
Афункционал буйрак	7	5,1

95 (69,3%) беморда буйрак экскретор функцияси бузилмаган. Аммо, уларнинг 11,7% да уретерогидронефрознинг мавжудлиги тасдиыланган, 19,7% ҳолатларда сийдик йўлларининг ўсма массаси билан аъзодан ташқари сиқилиш сабабли экскретор функциясининг секинлашиши кузатилган. 5,1% беморларда экскретор урографияда ўрганилаётган аъзонинг функционал фаоллиги йўқлигини аниқланган. Олинган натижалар тахлили, усулнинг информативлиги аниқланган: сезувчанлик - 30,7%, аниқлик - 78,2%..

Амалиётгача буйрак гистогенезини аниқлаш учун, 32 (20,2%) беморда ультратовуш текширувида “Bard” тиизмининг ярим автоматик игнаси ёрдамида ўсимтанинг пункцион биопсияси (ЎПБ) амалга оширилди. Ўз тажрибамизни ҳисобга олган ҳолда, УЗДТК назорати остида пункцион биопсиясини амалга ошириш учун қуйидаги кўрсатмалар ишлаб чиқилди:

1. Ўсманинг экстраренал ёки аралаш ўсиши;
2. Ўсимтани буйракнинг дорсал юзасига ёки пастки қутбига жойлашуви;
3. Ўсманинг ўртача ёки паст васкуляризацияси;
4. Шубҳали емирилиш ўринлари ёки эндовеноз тромбозлар мавжуд эмаслиги;
5. БЎ нинг қорин деворига нисбатан яқин жойлашиши (теридан 6-7 см дан ошмаслиги керак).

ЎПБда биоптатни ўсма тўқималарининг иккита ёки учта жойидан олинган, буларни кейинчалик цитоморфологик текширув ўтказилган (3-жадвал). Шунинг учун 32 беморнинг 29 (90,6%) тасида цитоморфологик текширувларда ижобий натижаларга эришилди, 3 беморда биоптат информатив бўлмаган.

Пункцион биопция вақтида, 53,1% беморларда тадқиқот олиб борилаётган материалда хавфли хужайралар мажмуаси борлигини аниқлашга муваффақ бўлинган. 37,5% беморларда атипик хужайралар борлиги аниқланган, аммо хавфлилик элементлари бўлмаган. Беморларнинг 9,4 % ЎПБ да иноформатив эмаслиги аниқланган. Ўтказилган 32 текширувдан 22 (68,7%) та беморларда амалиётдан олдин ўсмани цитологик текшируви гистологик текширув вақтида аниқланган морфологик шаклга тўғри келди.

3 жадвал

Буйрак ўсмасининг доплерографик назорат остида пункцион биопсияси натижалари, n=32

Цитологик текширув натижаси	Текширилган беморлар сони	
	абс.	в %
Хавфли ўсма хужайраси комплекси мавжудлиги (атипик)	17	53,1
Атипик хужайра мавжудлиги, хавфли ўсиш белгиларисиз	12	37,5
Қон элементлари мавжудлиги, ёғ хужайралари, фиброцитлар	3	9,4
Жами	32	100

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Кекса ва катта ёшли беморларда буйрак саратонида аъзосақловчи жарроҳлик амалиётлари бажарилишининг мантиқий асослари ва хусусиятлари”** деб номланган. Тадқиқот натижаларини кўп омилли интерпретациялаш йўли билан кекса ва катта ёшдаги беморларни БС да АСА бажариш учун мезонлар ишлаб чиқилди:

- Касалликнинг T_{1a} и T_{1b} босқичларида;
- Ўсманинг T_{1b} босқичида асосан қутбли ёки экстраренал жойлашуви;
- Ўсимтасининг T_{1a} босқичида ЧЛС иштирокисиз аралаш ўсиш тури ёки интраренал жойлашуви;
- Ёндош касалликлар томонидан жарроҳлик амалиёти учун бевосита қарши кўрсатманинг мавжуд эмаслиги;
- Ўсманинг томир ичи инвазияларининг мавжуд эмаслиги;
- Узоқ метастазларнинг мавжуд эмаслиги– M_0;
- Қарама қарши томон буйракнинг ўсмали шикастланиши;
- Сийдик тизимининг сурункали яллиғланиш касалликлари мавжудлиги.

Буйрак этишмовчилиги ривожланиши учун хавфли бўлган, буйракнинг амалиёт ичич шикастланишини камайтириш учун, минимал ишемик таьсирланиш фонида буйрак паренхимасини максимал даражада сақлаш керак (4-расм). Буйракни резекция қилишда 2 хил ишемия тури ишлатилган. Бошқариладиган назоратли ишемия вақти 5 дан 20 минутгача, ўртача 15$\pm$0,9

мин. Ўсманинг интраренал ва аралаш ўсишида гибрид ишемия усули қўлланилди. Экстраренал ўсишида криоишемия ишлатилган. Бу буйрак паренхимасининг функционал қобилиятини максимал сақлаб қолиш, шунингдек, кекса ёшдаги беморларда қон юқотиш миқдорини камайтириш имконини берди. Қон юқотиш ҳажмини камайтириш учун маҳаллий гемостатик воситалар қўлланилди, бу - гликогель гемостатик плёнка бўлиб, лаговинни эса олиб ташланган ўсимтанинг ўрнига намланган тампон билан 3-4 дақиқа давомида қўлланилган.



4 расм. Буйрак ўсмаси ўсиши турига мос равишда ишемия усулига кура беморларни тақсимлаш

Ҳар икки гуруҳда 106 та беморда амалиёт вақтида операция соҳаси оқма суюқликларида қолдиқ ўсма комплекслари мавжудлиги юзасидан тадқиқот ўтказдилган (4-жадвал).

4 жадвал.

Амалиёт соҳасида оқма суюқликларда қолдиқ ўсма мажмуасини цитометорфологик таҳлил натижалари, n=106

Тадқиқот натижалари	ОСО дан кейин	РНЭ дан кейин	Жами
ООК мусбат	2 (4,2%)	5 (8,8%)	7 (6,6%)
ООК негатив	47 (95,8%)	52 (91,2%)	99 (93,4%)
Жами	49	57	106

Кўриб турганимиздек, 90% дан ортиқ ҳолатда негатив натижага эришилди, бу бажарилаётган амалиётларнинг радикаллиги ҳақида фикрлаш имконини берди. Биринчи гуруҳдаги амалиёт ичи топилмаси характерига

кўра, ўсма жараёнининг энг кўп жойлашиши буйракнинг пастки ва юқориги қутбида қайд этилган.

2 гуруҳ беморларида буйракнинг юқори қутби ва дорсал юзасида. РНЭ вақтида амалиёт давомийлиги ўртача 70 дақиқани ташкил этган. Буйракни резекция қилганда 85 минут. Ўртача қон юқотиш 1- гуруҳда 234 мл ни ташкил этди, 2-гуруҳда эса - 160 мл.

18 (22,5%) беморда, шунингдек, радикал нефрэктомиядан кейин 21 (26,2%) ҳолатда амалиётдан кейинги асоратлари кузатилган. Радикал нефрэктомия, буйракни резекциясига нисбатан, хирургик асоратлар кузатилиш эхтимоли анча юқори бўлган. Ҳар икки гуруҳда ҳам энг кўп учраган асоратлар қон кетиш (буйрак паренхимаси резекция соҳасидан - 8,7% ва олиб ташланган буйрак соҳасидан - 8,7%). Буйракни резекция қилишнинг ўзига хос асоратлари сийдик оқмалари 6 (6.25%) беморда кузатилди. Радикал нефрэктомиянинг асоратларидан лимфорея - 10 (11,25%), яранинг йиринглаши - 4 (5,6%) ҳолатда кузатилган. Иккала ҳолатда ҳам такрорий амалиётлар кузатилмаган (5-жадвал).

5 жадвал

Кекса ва катта ёшли беморларда буйрак ўсмаларини жарроҳлик усулида даволаш асоратларининг частотаси ва тузилиши

Асорат тури	Барча беморлар n=158		Радикал нефрэктомия n=94		Буйрак резекция n=64		P
Специфик амалиётдан кейинги:	29	18,3%	20	21,3%	9	14,1%	
Қон кетиш яра	5	3,1%	4	4,3%	1	1,6%	0,01
йиринглаши	8	5,0%	6	6,4%	2	3,0%	
Лимфорея	10	6,3%	10	10,6%			
Сийдик оқмаси	6	3,8%			6	9,4%	
Амалиётдан кейинги нохирургик:	9	5,7%	5	5,3%	4	6,3%	
миокард инфаркти	3	1,9%	3	3,2%			0,009
Пневмония	2	1,3%			2	3,1%	
Мия шиши	1	0,6%	1	1,1%			
Юрак ритми бузилиши	3	1,9%	1	1,1%	2	3,1%	

Буйрак саратони билан касалланган катта ёшли беморларда жарроҳлик усулида даволанишнинг узоқ муддатли натижалари 141 та ҳолатда кузатилди. Кузатув давомийлиги 60 ойгача бўлган. Ўсманинг кайталаниши АСА ва РНЭ дан кейин ҳар икки гуруҳда ҳам бир хилда руйхатга олинган.

Шу билан бирга, вақт оралиғидаги қайталаниш, РНЭ кейинги 3 йиллик кузативда, АСА дан сўнг беморларда 4 йиллик кузативда қайд этилди. Узоқ метастазлар: кўпинча РНЭ дан кейинги беморларда қайд этилган, фарқланиш даражада паст бўлган беморларда ўсмаларнинг юқори метастатик потенциалини кўрсатмоқда (6-жадвал).

6 жадвал

Кекса ва катта ёшли беморларда буйрак саратонини жарроҳлик усулида даволашнинг узоқ муддатли натижаларининг қиёсий кўрсаткичлари, n=141

Ҳаёт давомийлиги		Барча касаллар	РНЭ	ОСО	p
Умумий	3 года 5 лет	133 (94,3%) 116 (82,2%)	75 (92,6%) 64 (79,0%)	58 (96,7%) 52 (86,7%)	0,644
Специфик	3 года 5 лет	106 (75,2%) 89 (63,1%)	58 (71,6%) 46 (56,8%)	48 (80,0%) 43 (71,7%)	0,403
қайталанишсиз	3 года 5 лет	131 (92,9%) 103 (73,0%)	74 (91,3%) 55 (67,9%)	57 (95,0%) 48 (80,0%)	0,038
Метастазсиз	3 года 5 лет	101 (71,6%) 87 (61,7%)	53 (65,3%) 43 (53,1%)	48 (80,0%) 45 (75,0%)	0,044

Диссертациянинг **“Кекса ва катта ёшли беморларда аъзоларни сақлаб қолишга қаратилган амалиётлар самарадорлигини морфологик ва тиббий - ижтимоий баҳолаш жиҳатлари”** деб номланган тўртинчи бобида, кекса ва катта ёшдаги беморларда аъзоларни сақлаб қолувчи амалиётлар бажрилишининг радикаллигини морфометрик қўрсаткичларини, реабилитациянинг тиббий-ижтимоий жиҳатларини ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бағишланган бўлиб, хавфни баҳолаш ва таснифлашнинг методологик ёндошувларини, ўсманинг кейинчалик қайталаниш ва метастазланиш шароитларини, баҳолашнинг муаммолари ва усуллари очиб беради. Амалга оширилган амалиётларнинг иқтисодий хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатадики, АСА ни бажариш бир бемор учун 1 кун давомида касалхонадаги харажатларни - 11 817,95 сўмга камайтириш имконини берган. Тегишли равишда, ушбу тадқиқотни ўтказишда, 64 беморда ҳар бир бемор учун касалхонада бир кун қолишини 64х11817,95=756348,8 сўмга, 704 (АСА бажарилган 64 бемор) ўрин - кунлар давомийлиги учун 532 469 579 сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

ХУЛОСА

1. Кекса ва катта ёшдаги беморларда эрта аниқланган буйрак саратонининг ўзига хос клиник белгилари ва ёндош касалликлари мавжуд бўлмаганда иммун тизими ва гомеостазнинг яққол босилиши кузатилади.
2. Ўсма жараёнининг жойлашишини инобатга олиб, буйракни энуклеорезекцияси ёки фронтал резекциясини маҳаллий лимфа коллекторларидан лимфодиссекция қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу эса қон юқотиш миқдорини 245,8 дан 139,4мл. гача камайтириш имконини беради. Шу билан бирга, амалиёт ичи морфометрик баҳолашни бажариш 93,4% ҳолларда бажарилган операцияларни абластиклик даражасини аниқлаш имконини беради.

3. РНЭ билан солиштирганда буйрак резекциясидан кейин қон юқотиш (234,4±8,4мл. га нисбатан 159,7±8,2мл, p<0,05), Daniel Dindo бўйича асоратлар частотасининг 3-4 даражаси (7 га нисбатан 0), 5 йиллик юқори ҳаёт давомийлиги (86,7% га нисбатан 79,0%) ва метастазсиз давр (75% га нисбатан 53,1%) кўрсаткичларининг паст бўлиши катта ёшдаги беморларда буйрак саратонининг T1 босқичида АСА бажарилиши учун муҳим аҳамиятга эга далиллардир.

4. Катта ёшдаги беморларда БС T1 босқичида АСА нинг амалга оширилиши ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилаш имконини берган, шунингдек амалиётдан кейинги ҳаёт давомийлигини 3 йиллик кузативларда 96,7% ва 5 йилликда 86,7% ни ташкил этган, бунда қайталанишсиз кечиши тегишли равишда 95% ва 80% ҳалатда кузатилган.

5. АСА дан кейин беморларда ҳаёт ва реабилитация сифатининг юқори даражаси радикал нефрэктомияга нисбатан муҳим аҳамиятли иқтисодий самарага эришиш имконини берди, бу эса 532 469 579 сўмни ташкил этган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ

РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ

ТИЛЛЯШАЙХОВА РАЪНО МИРЗАГАЛЕБОВНА

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНОСОХРАНЯЮЩИХ ОПЕРАЦИЙ ПРИ РАКЕ ПОЧКИ У ПАЦИЕНТОВ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА

14.00.14 – Онкология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Tib355.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Юсупбеков Аброржон Ахмеджанович** доктор медицинских наук
Официальные оппоненты:	**Гофур-Охунов Мирза Алиерович** доктор медицинских наук, профессор
	Гайбуллаев Асилбек Асадович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	**ФГБУ «Национальный медицинский исследовательский центр онкологии имени Н.Н.Блохина» Министерства здравоохранения Российской Федерации**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10.Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 63). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №___ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «ежегодно выявляется более 14 миллионов новых случаев рака и регистрируется 8 миллионов смертей от этого заболевания»[1]. В структуре всех новообразований рак почки (РП) – одна из важнейших проблем в современной онкоурологии. Согласно статистическим данным, «за последние 5 лет в Республике Узбекистан показатель заболеваемости РП имеет тенденцию к росту. В 2017 году выявлено 683 пациента, что составило 28,6% прироста по сравнению с 2013 годом (531 больной), при этом к началу 2018 года на диспансерном учете находились 2873 больных»[2]. С учетом роста заболеваемости, которая имеет пропорциональную зависимость от увеличения продолжительности жизни населения, проблема лечения РП в настоящее время приобретает все большое значение, особенно среди пациентов пожилого и старческого возраста. Данный факт усугубляется наличием множества сопутствующих патологий в этих возрастных категориях, что нередко ограничивает возможности стандартных лечебных подходов. Остаётся дискутабельным вопрос выбора метода и объема хирургического лечения при раннем РП у данной категории пациентов. Выявление «малых» (до 4 см в диаметре) и бессимптомных опухолей почек в настоящее время привело к расширению показаний к органосохраняющим операциям в стадии T_{1-2} в отношении пациентов пожилого и старческого возраста, что открыло возможности для продолжения научных исследований в этом направлении [3].

В мировой практике на сегодняшний день проводится множество рандомизированных исследований, направленных на изучение генетической гетерогенности и морфологического разнообразия новообразований, для которых характерны специфичные молекулярно-генетические нарушения, определяющие потенциал злокачественности, метастазирования и чувствительности к лекарственному лечению, наряду с такими признаками, как категория Т и степень анаплазии опухоли. Для разработки новых подходов к противоопухолевой терапии продолжается изучение мутации гена VHL, исследование феномена «ускользания» опухолевых клеток от иммунологического надзора. Другим актуальным направлением является изучение экспрессии PD-L1/PD-L2 и CTLA-4 при раке почке. Учитывая высокую резистентность к химиотерапии, слабый ответ на гормональные препараты, низкую эффективность лечения цитокинами, неэффективность лучевой терапии, особую актуальность приобретают хирургические подходы, так как своевременное проведение оперативных вмешательств позволяет достоверно продлить жизнь пациентов с этой патологией.

---

[1]World Health Organization. Cancer: fact sheet no. 24. World Health Organization website. 2016. www.who.int/iris/handle/10442/133876

[2]Тилляшайхов М.Н., Имамов О.А. Стандартизованные показатели онкоэпидемиологической ситуации 2016 г // Евразийский онкологический журнал. Том 6, №2, 2018. –С. 63-72.

[3] Campbell S., Uzzo R.G., Allaf M.E et all / Renal mass and localized renal cancer. AUA guidline .J Urol 2017.198(3):520-9.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов и расширение диапазона оказываемой населению медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении качества диагностики и лечения больных с раком почки, достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для совершенствования системы оказания медицинской помощи требуется продолжение исследований в данном направлении, особенно среди пациентов старших возрастных групп. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи онкологическим больным и другим уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности[1]. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов диагностики и хирургического лечения рака почки путем внедрения органосохранных операций, особенно у лиц пожилого возраста, является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлениями Президента Республики Узбекистан: «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-2866 от 4 апреля 2017 года, и «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

